ХОНОҚОҲЛАР ТАРИХИ ВА ТАСНИФИ

Наргиза Рустамовна Юсупова
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада Марказаий Осиё меъморчилик намуналаридан бири бўлмиш хонақоҳ хақида маълумот берилган. Хонақоҳлар – махсус қурилган меъморий мажмуа сифатида қаралсада, лекин биз буни ниҳоясига етган хулоса деб айтолмаймиз. Хонакохлар илк бор V ва VIII асрлар орасида Марказий Осиё меъморчилиги ривожаниши ва мукаммаллашиши натижасида вужудга келган. Ушбу меъморий мажмуа хақида биз кўпгина маълумотларни Алишер Навоий, Хондамир, Зайниддин Восифий, асарларидан оламиз. Ушбу муаллиф фикрларини ўқиб шундай хулосага келиш мумкинки, хонақохлар маънавият тарқатувчи ижтимоий институт, маърифий муассаса, исломий мазхаблар тахлили, диний талқинлар муҳокамаси учун махсус қурилган демократик бахслар маскани, тасаввуф ақидаси тарафдорлари учун муҳим ижод этиш мумкин бўлган бошпана, кутубхоналар сифатида хам хизмат қилган.

Калит сўзлар: мустақиллик, Хонақоҳ, мадраса, илмий, тарихий, манба, уламо, қабристон, меъморий мажмуа, маърифат, таълим, тарбия, муассаса, халқ, журнал,адабиёт, карвонсарой, шаҳар, масжид, архитектура.

DEFINITION AND CLASSIFICATION OF ARCHITECTURAL CONSTRUCTION-HONAKOH

ABSTRACT

The article describes one of the types of architectural construction in Central Asia – honakoh. Although honakoh is considered as one of the types of architectural complex, this is not the final conclusion. Initially, honakoh was built as an improved architectural version in Central Asia. We can find information about this in the works of such scientists as Alisher Navoi, Khondamir, Zainiddin Vosifi. After reading the works of these scientists, one can come to the conclusion that honakoh is a place that has spread enlightenment and spirituality in the form of a social institution. Honakoh served as a special building for discussions of religious and secular issues, as a library, as a place for studying the science of Islam for Sufis.

Keywords: independence, Khanaka, madrasah, scientific, historical, source, scientist, cemetery, architectural complex, enlightenment, education, upbringing, institution, people, magazine, literature, caravanserai, city, mosque, architecture.